O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1999 йил 24 июль, шанба • № 59 (11.142) • Эркин нархда сотилади

## САМАРАЛИ МЕҲНАТ ХИРМОНИ



**_Давлатга 238,4 минг тонна сара дон топшириб, шартнома режасини муваффақиятли адо этган вилоят ғаллакорлари яна 10 минг тонна дон етказиб беришга аҳд қилдилар_**

РЕСПУБЛИКА ҳукуматининг ғалла мустақиллигига эришиш юзасидан олиб бораётган сиёсатини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида бу йил вилоятда дон экилган майдонлар 115 минг гектарга етказилди. Асосий майдонларга уруғлик ғалла энг қулай муддатларда экиб олингани, барча агротехник тадбирлар ўз вақтида сифатли ўтказилганлиги, ўрим-йиғим ишлари ҳар томонлама пухта уюштирилганлиги кутилган самарани берди.

Вилоят ғаллакорларининг ютуғига баракали улуш қўшган Зангиота, Янгийўл, Тошкент, Қибрай туманлари деҳқонларининг фидокорона меҳнатларини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунончи, давлатга дон сотиш режасини вилоятда биринчи бўлиб бажарган Зангиота туманида гектаридан 36 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Янгийўл туманида ўртача ҳосилдорлик 35,5 центнерданга тўғри келди.

Тажрибали мутахассисларнинг таъкидлашларига қараганда вилоятда ҳосил бундан ҳам юқори бўлиши учун пухта замин яратилган эди. Афсуски, 22-24 апрель кунлари юз берган бемаврид совуқ ғаллага ҳам катта зарар етказди. Бу офат аксарият майдонларда ғалла айни гуллаган пайтга тўғри келиб, бошоқлар пуч бўлиб қолди. Совуқдан, айниқса, Тошкент тумани ғаллакорлари катта зарар кўрдилар. Шунга қарамай, ғаллачиликда бой тажриба орттирган туман деҳқонлари давлатга дон сотиш шартномасини биринчилар қатори бажариб, вилоятнинг умумий хирмонига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Умуман бу йилги ғалла мавсуми кўпгина раҳбарлар, мутахассислар, қолаверса, оддий деҳқонлар учун ҳам айрим масалаларда жиддий сабоқлар йили бўлди, дейиш мумкин. Жумладан, бу йил баъзи майдонларда занг касали хуруж қилди. Ваҳоланки, бунга йўл қўймасликнинг иложи бор эди. Чунки, ҳар бир касалликнинг пайдо бўлиш даври аслида маълум. Бунга қарши ғаллазорларга вақтида кимёвий ишлов берилса бас. Бироқ, баъзи хўжалик раҳбарлари ва мутахассислари беparволик қилган бўлсалар, айримлари эса ортиқча харажатдан қочиб, пировардида тайёр ҳосилнинг бир қисмини бой бериб қўйдилар. Масалан, Бекобод туманида шундай ҳол юз берди. Жами 11 минг 600 гектар ғаллазорнинг деярли ярмида занг касали кенг тарқалди. Оқибатда вилоят хирмонига энг салмоқли улуш қўшиши лозим бўлган ушбу туманда давлатга дон сотиш режаси 80 фоизда қолиб кетди. Ҳосилдорлик эса 21 центнердан ошмади.

Бу йил вилоят бўйича суғориладиган 98 минг гектар майдоннинг 90 минг гектарига «Юна» нав буғдой экилганди. Мавсум шуни кўрсатдики, айнан ушбу нав занг касалига бироз чидамсиз экан. Қолган 8 минг гектардаги «Бўзсув-1», «Ҳосилдор» каби маҳаллий нав буғдойлар эса вилоят бўйича ўртача 42 центнердан ҳосил тўкди.

Бундан хулоса шуки, эндиги йилдан бошлаб

**(Давоми 2-бетда).**

## МУСТАҚИЛЛИК: САККИЗИНЧИ ДОВОН

## ВИЛОЯТ ҲОЗИРЛАНМОҚДА

**_ЎЗБЕКИСТОН Республикаси мустақиллиги куни ҳар биримиз учун энг улуғ, энг азиз айём. Шунинг учун ҳам бу байрам бизда ўзгача фахр-ифтихор уйғотади. Чунки, бу кун ҳар бир юртдошимиз эмин-эркин яшаш, мустақил фикрлаш, озод ва обод Ватан равнақига ҳисса қўшиш бахтига муяссар бўлган кун. Бу йил халқимиз ўз истиқлолининг саккиз йиллигини нишонлайди. Айни кунларда Ватанимизнинг ҳамма жойида бу буюк байрамга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Бундай тадбирлар Тошкент вилоятида ҳам ўзига хос ташкил этилмоқда._**

21 июль куни вилоят ҳокимлигида республика мустақиллигининг саккиз йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш вилоят ташкилий қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ташкилий қўмита аъзолари, вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқармалари бошлиқлари, шаҳар, туман ҳокимларининг муовинлари, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Йиғилишни байрамни ўтказиш вилоят ташкилий қўмитасининг раиси, вилоят ҳокимининг биринчи муовини Ҳамидулла Асатов бошқарди.

Йиғилишда кун тартибидаги масала юзасидан вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Зоҳиджон Солиҳов ахборот берди. У ўз сўзида жойларда мустақиллик байрамига тайёргарликнинг бориши ҳақида гапирар экан, биринчи навбатда улуғ байрамимизнинг Мустақиллик майдонида ўтадиган бош тантаналарида вилоят вакилларининг иштироки ва чиқишини юксак савияда ташкил этиш масаласига алоҳида тўхталди.

Дарҳақиқат, бу тантаналарда ҳар йили Тошкент вилояти вакиллари ҳам фаол иштирок этадилар. Лекин, бу йил уни вилоятнинг ўзига хос анъаналари ва қадриятларидан, удумларидан келиб чиқиб ташкил этиш зарур деган фикр билдирилди. Унда вилоятимиз аҳлининг мустақиллик давридаги ютуқлари, эзгу аъмоллари, энг яхши ижобий фазилатлари ўз аксини топсин. Шунинг учун ҳам бу тантаналарда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида бадиий ҳаваскорлар, юқори малакали саҳна усталари ва ижодкорлар иштирок этишлари катта аҳамиятга эга.

Ташкилий қўмита раиси йиғилишда асосий эътибор қаратган яна бир масала мустақиллик байрамига совға сифатида топшириладиган ижтимоий, маиший, маданий, савдо объектлари мавзуси бўлди. Бу бежиз эмас. Ҳар йили истиқлол айёми арафасида вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида жуда кўплаб қурилишлар, ободончилик ишлари амалга оширилмоқда. Бу йил ҳам 1 сентябргача юздан ортиқ ана шундай янги уй-жойлар, маданий-маиший, хизмат кўрсатиш объектлари фойдаланишга топширилади, Айниқса, 1999 йилда Миллий дастур асосида бунёд этилаётган 7та коллеж қурилиши алоҳида назоратга олинмоғи зарурлиги таъкидланди.

Ушбу байрамнинг қадрқиммати, аҳамияти жуда улуғ ва юксак. Айни дамларда жойларда ташкил этилаётган маънавий, маърифий, маданий тадбирларда мустақилликнинг асл моҳиятини халқ қалбига сингдириш, айниқса, ёшларни Ватанга, истиқлолга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг озод ва обод Ватан равнақи йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш энг муҳим вазифалардан биридир. Ташкилий қўмита йиғилишида бу масалага ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жойларда маданий-маърифий ишларни кучайтириш юзасидан тегишли ҳокимлик ва ташкилотларга топшириқлар берилди.

Шу куни Бекобод, Янгийўл шаҳарлари ва Чиноз туманида мустақилликнинг саккиз йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳам муҳокама этилди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан қўшимча тадбирлар белгиланди.

### МЕНГА СЎЗ БЕРИНГ

## ИСТИҚЛОЛ: ВАТАН, ИЙМОН, ЭЪТИҚОД

**_Суҳбатдошимиз: Қуйичирчиқ туманидаги Ибн Сино номли 4-ўрта мактаб директори Акром МИРОМОВ:_**

_**1.** Ўзбекистон мустақилликка эришганига саккиз йил тўлади. Келинг, истиқлолнинг илк кунларига қайтайлик. Ўшанда дилингиздан қандай ўйлар кечган эди?_

_**2.** Сизнингча инсон учун энг муқаддас неъмат нима?_

_**3.** Мустақиллигимиз кўз ўнгимизда камолга етиб боряпти. Унинг янада равнақ топиши учун сиз қандай ҳисса қўшяпсиз?_

**1.** Ўқитувчи, мураббий, муаллим ва ниҳоят устоз сўзларининг қадри азал-азалдан халқимиз кўнглида ардоқланиб келинган ва ҳамиша шундай бўлиб қолаверади. Агар ҳар бир комил инсондан муаллиминг ким, деб сўрасангиз, албатта устозлари номини бирма-бир санаб, охир-адоғига етолмайди.

Умрим, ёшлигим болалар орасида ўтди. Кўп яхши-ёмон кунларни кўрдим. Ҳеч курса, ўтган ҳаётим зое кетмаганига, шогирдларим кўнглига чироқ ёқиб турганига ишончим бор, кўрган кунларимга шукроналар айтаман.

Ўқитувчи ўқувчиларига бор билимини беради-ю, ўзи яна шу мактабда қолаверади. Шундай экан, ўз ўқувчилари, шогирдларига замонавий билим бериш учун аввало, унинг ўзи ана шундай кучли билимга эга бўлиши зарур, деб ўйлайман.

Зеро, муҳтарам Юртбошимизнинг «Чинакам халқ бўлсак, улкан, қудратли дарёга айланайлик, фарзандларимизга ўзгалар ҳавас қиладиган озод ва обод Ватан қолдирайлик», деган сўзлари мен учун ҳамиша дастуруламал бўлиб келаётганлиги рост.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, қайси мамлакатда таълим тўғрисидаги қонун устивору, қайси мамлакатда биринчи синф ўқувчиларини тўлиқ ўқув қуролларию, кийим-кечаклар билан таъминлашади? Қайси мамлакатда маориф соҳасига шунчалик катта эътибор берилади? Фақат бизнинг мустақил юртимиздагина шундай бўлди.

Тўғрисини айтсам, биз ҳали-ҳозир собиқ шўролар замонидан қолган таълим-тарбия тизимига хос мафкуравий курашлардан фориғ бўла олганимизча йўқ. Таълим-тарбияда туб ўзгаришлар қилиш учун аввало, ўқитувчи, тарбиячининг ўзи мукаммал эътиқод ва билимга, тарбияга эга бўлиши зарур.

**2.** Ҳамма замонларда ҳам юрт муаллими зиммасига катта масъулият юкланган. Чунки, ўқитувчига, устозга ишонган бола, муаллимга ишонган шогирд — ҳаётга, эртанги кунга, одамларга ишонади. Ахир кимдир сизга суянса, сўзингизга, қилаётган ишингизга ишонса, эътиқодида собит тураолса, қалбида юз очаётган гумонларни енга олса — мана шу эзгуликнинг, яхшиликнинг ишонч пойдеворлари янада мустаҳкамланишига олиб келади.

Афсуски, ҳаёт деган каттакон баҳри уммон орзу ва армон, қувонч ва ташвиш, яхшилик ва ёмонлик, гуноҳу савоб ҳамиша ёнма-ён сузади. Китоб кўрмаган ўсмир, отаси топган молу дунёдан ҳаволаниб юрган эркатой, ўқимай, яхши яшаса бўларкан-ку, дея бозор кезадиган айрим ёшлар истиқлол шарофати туфайли қўлга киритганимиз улуғ неъмат — тинчлик, хотиржамлигимизни асраб-авайлаш ҳақида ўйласалар айни муддао бўларди.

**3.** Саккиз йилдирки, истиқлол шарофатидан баҳраманд, эмин-эркин нафас оляпмиз. Хўш, истиқлол деганлари нима?

Менимча, истиқлол бизга берилган илоҳий неъмат! Ота-боболаримиз асрлар бўйи орзу қилган — фарзанди комил. Мана, саккиз йилдирки, уни эркалаб, ардоқлаб ўстирдик. Оёққа туриб олишига кўмаклашдик.

Энди-чи, энди, бу жажжи, қувноқ, кўзлари тийрак болакайни (ҳа, ҳа, болакайни), кўз қорачиғимиздек асрашимиз, авайлашимиз, бор илмларни унинг қалбига муҳрлашимиз зарур. Яна ва яна унинг тинчлигу хотиржамлигини қўриқлаб, ёмон кўзлардан муҳофаза қилишимиз керак. Акс ҳолда бизнинг тоат-ибодатларимиз, орзу-умидларимиз саробга айланиб қолиши мумкин. Албатта, ҳеч биримиз бундай бўлишига йўл қўймаймиз. Муҳими, ҳар биримизга истиқлол — Ватан, иймон, эътиқод бўлиб қолсин дейман.

### Вилоят ҳаёти

**_янгиликлар, одамлар, воқеалар_**

## ЯНГИ САМОЛЁТ ПАРВОЗДА

**_МАМЛАКАТИМИЗ мустақиллигининг саккиз йиллиги байрами арафасида юртимиз самолётсозлигининг илк намунаси бўлган «ИЛ-114» самолёти Тошкент-Фарғона йўналиши бўйлаб қатнай бошлади._**

Янги самолёт тежамкорлиги ва йўловчилар учун ғоят қулайлиги билан ажралиб туради. У айни бир вақтда 48 нафар йўловчини манзилга элтиб қўяди.

**_Р. КАМОЛОВ, ЎзА мухбири._**

## НИЗОМГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИЛДИ

**_ВИЛОЯТ халқ таълими бошқармаси ўқувчиларни чуқур билимли, жисмонан соғлом қилиб вояга етказиш борасидаги таълим тизимига яна бир бор янгилик киритди._**

Эндиликда Ангрендаги футбол мактабига илгариги Низомда кўрсатилганидек, 6-7-синфни эмас, балки тўртинчи синфни битирган болалар қабул қилинадилар. Шу муносабат билан талабгорлар амалий синовлардан ташқари, тест орқали она тили ва математика бўйича тузилган 30 саволга ҳам жавоб беришлари керак бўлади.

Киритилган ўзгартишдан мақсад 9 йиллик ўқиш давомида бўлажак спортчиларни юксак савияли қилиб тарбиялашдир.

**_Арофат РАЗЗОҚОВА._**

## ҲОМИЙЛАР КЎМАГИДА

**_ЧИРЧИҚ мактабларида янги ўқув йилига тайёргарлик ишлари авж олиб бормоқда. Биринчи сентябрга тараддуд шу йилнинг март ойидаёқ бошлаб юборилган эди._**

Шаҳардаги ўнга яқин мактаб биноси туб таъмирланяпти. Бунинг учун бир миллион 889 минг сўм хажмида маблағ ажратилди. Билим масканларини таъмирлаш ишларига шаҳар корхоналари ҳам яқиндан ёрдам беришмоқда. Биргина «Ўзбеккимёмаш» бирлашмаси таъмирлаш-қурилиш цехининг ўнлаб бунёдкорлари корхона оталиғидаги 8-ўрта мактабда олиб борилаётган тузатиш ишларида фаол қатнашмоқдалар. Яқинда 60 йиллик тўйини ўтказадиган бу мактаб биносининг ташқи кўриниши сифатли таъмирланиб, кўркам қиёфага киритилди.

Корхона мактаб ҳисобига 70 минг сўм нақд пул ҳам ўтказди. Бу маблағни билим ўчоғи янги ўқув ашёларини харид қилишга сарфлайди.

**_Хусан КАЗАКОВ._**

## БЎР ЦЕХИ ҚУРИЛМОҚДА

**_АНГРЕНДАГИ «Каолин» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ўзининг юқори сифатлилиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам унинг харидорлари ой сайин кўпайиб бормоқда._**

Корхона ишга тушганидан бери ўтган қисқа муддатда икки минг тонна атрофида каолин ҳомашёси ишлаб чиқарилиб, буюртмачиларга юборилди.

Қўшма корхонада қўшимча қувватларни барпо этиш ишлари ҳамон давом этмоқда. Жумладан, янги маҳсулот — бўр тайёрлашга мўлжалланган цех қурилмоқда. Унга Олмониядан келтирилган замонавий асбоб-ускуналар ва илғор технология жорий қилинади. Уни шу йил охиригача ишга тушириш режалаштирилган.

**_Мунаввара ИСОҚУЛОВА._**

## ХОҲЛАНГ ҚЎШИҚ, ХОҲЛАНГ РАҚС

**_ТОШКЕНТ Давлат университети Маданият саройи талаба ёшларнинг севимли даргоҳига айланган. Бу масканда мақом, эстрада қўшиқлари ва рақс бўйича қатор бадиий гуруҳлар ҳамда ҳаваскор актёрлар тўгараги фаолият кўрсатмоқда._**

Зиёдулла Сайдуллаев, Озода Раҳмонова, Исомиддин Турдиев каби етук мутахассислар раҳбарлик қилаётган бу жамоалар дастури йил сайин бойиб бормоқда.

Ҳаваскорлар бу йил Тошкент вилояти, Самарқанд, Наманган шаҳарлари маданий муассасалари, олий ўқув юртларида, шунингдек, Тошкентдаги Муқимий номли мусиқали драма театрида ўзларининг санъатларини намойиш этдилар.

Маданият саройида очилган инглиз тилини ўрганиш, бичиш-тикиш тўгаракларида ҳам иштирокчилар сафи тобора кенгаймоқда.

**_Нилуфар ЗАРИПОВА, ТошДУ талабаси._**

### Вилоят ҳаёти

**_янгиликлар, одамлар, воқеалар_**

### Вилоят ҳокимлигида

## КУН ТАРТИБИДА – НАЗОРАТ

**_ВИЛОЯТ ҳокимлигида фавқулодда эпидемияга қарши кураш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда шаҳар ва туманлар ҳокимларининг муовинлари, вилоят санитария-гигиена тизими, ветеринария, божхона ходимлари иштирок этдилар._**

**_Йиғилишни вилоят ҳокимининг биринчи муовини Ҳ. Асатов бошқарди._**

Йиғилишда чорва молларида учрайдиган оқсим касаллиги тарқалишининг олдини олиш, санитария-ветеринария назоратини янада кучайтириш масалалари муҳокама қилинди. Мазкур масала бўйича вилоят бош ветеринария назоратчиси М. Орифжонова маъруза қилди.

Ҳозирги вақтда қўшни Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон республикаларида чорва молларининг оқсим касаллигига кўплаб дучор бўлаётгани қайд қилинмоқда. Оқибатда бу касаллик республикамизга чорва моллари, айниқса, гўшт ва сут маҳсулотлари орқали кириб келиш хавфини кучайтирмоқда. Бу борадаги профилактика ишларини тезроқ йўлга қўйиш, зарурат туғилганда жамоат чорваси, аҳоли уйларидаги ҳайвонларни эмлашни тақозо этади.

Йиғилишда сўзга чиққанлар, шунингдек, вилоят ҳудудидаги бозорларда озодагарчилик, савдо-сотиқ қоидаларига амал қилиш, санитария-гигиенага қаттиқ аҳамият бериш хусусида ҳам сўз юритдилар.

Йиғилишда вилоятнинг чегара постларида ҳам санитария-ветеринария назоратини кучайтириш, бу ишга малакали мутахассисларни жалб этиш, хусусан, бозор ва маҳаллаларда чорва молларини, сут ва гўшт маҳсулотларини ветеринария кўригидан ўтказиш вазифалари ҳам белгилаб олинди.

## КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ЮМУШЛАР

**_ВИЛОЯТ ҳокимлигида вояга етмаганлар ва ўсмирлар билан ишлаш ҳамда оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш доимий комиссияларининг биргаликдаги кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда комиссияларнинг 1999 йилнинг биринчи ярми якунлари кўриб чиқилди. Йиғилишни вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси, вилоят ҳокимининг ўринбосари С. Хўжаева бошқарди._**

Йиғилишда вилоят халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ички ишлар тизими вакиллари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси фаоллари иштирок этдилар. Йиғилишда вилоят ИИБ жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси бўлим бошлиғи, милиция подполковниги Одилжон Сотимов маърузаси тингланди.

Ўтган олти ой мобайнида «Тозалаш», «Ойна» сингари бир қанча тадбирлар ўтказилди. Лекин ўсмирлар орасида жиноят содир қилиш ҳамон ташвишли бўлиб турипти. Айниқса, айрим ёшларнинг диний ақидаларга берилиши, диний экстремистларнинг таъсирига тушиб қолиб, жиноятга қўл уриш ҳоллари учрамоқда. Паркент, Зангиота ва бошқа туманларда ноқонуний равишда ўз уйларида мактаблар очиб, ёшларга диний таълим беришга уринаётган бир неча фуқаро аниқланди. Ангрен, Олмалиқ, Оҳангарон шаҳарларида нафақат ёшлар, ҳатто аёллар ўртасида ҳам жиноятчилик содир бўлаётгани афсусланарли ҳолдир. Буларнинг олдини олишда, аёлларни, оилани, оналик ва болаликни ҳимоялашда қўшимча ишчи ўринлари ташкил этиш, муайян касбга ўқитиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Аёллар орасидаги ноахлоқий хатти-ҳаракатларнинг мавжудлиги айнан шу борадаги масалаларга кўпроқ эътибор қаратишни талаб этади.

Йиғилишда сўзга чиққанлар жиноятчиликнинг олдини олиш, ички ишлар тизимининг эмас, балки, ҳамманинг юмуши эканлигини таъкидладилар. Айниқса, маҳаллаларда, мактабларда тарғибот ишларини олиб бориш, ёшларни маънавий камол топтириш, бу соҳада белгиланган тадбирларни кечиктирмай амалга ошириш ниҳоятда муҳимлиги қайд этилди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

# АФҒОНИСТОНДАГИ ЗИДДИЯТНИ ТИНЧ ЙЎЛ БИЛАН ҲАЛ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Афғонистон билан чегарадош «Олти қўшув Икки» гуруҳи мамлакатлари: Хитой Халқ Республикаси, Эрон Ислом Республикаси, Покистон Ислом Республикаси, Тожикистон Республикаси, Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаси, шунингдек, Россия Федерацияси ва Америка Қўшма Штатлари Ташқи ишлар вазирларининг ўринбосарлари шу йил 19-20 июль кунлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг Афғонистон бўйича Махсус вакили жаноб Лахдар Брахими иштирокида Афғонистондаги вазиятни кўриб чиқиб, афғон халқининг ҳақиқий дўстлари сифатида, Афғонистонга тинчлик ва равнақ тилаган ҳолда қуйидаги тамойилларни тасдиқлади.

Биз ҳукуматларимизнинг Афғонистонда давом этаётган ҳамда минтақавий ва халқаро тинчлик ва хавфсизликка жиддий хавф туғдираётган ҳарбий қарама-қаршиликлардан ниҳоятда ташвишда эканини изҳор этамиз.

Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгашининг резолюция ва қарорларидаги қоидаларга мос равишда Афғонистондаги зиддиятни тинч ва сиёсий йўл билан ҳал этиш тарафдоримиз ва биз, шунингдек, илгари «Олти қўшув Икки» мамлакатлари қабул қилган қарорлардаги «муҳокама учун бандлар» ҳамда «якдилликка эришилган масалалар» тўғрисида эслатиб ўтамиз.

Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти жаҳонда эътироф этилган воситачи ташкилот сифатида Афғонистондаги зиддиятни тинч йўл билан ҳал этишга эришиш бўйича амалга оширилаётган халқаро саъй-ҳаракатларда марказий ва холис ўрин тутиши лозим, деб ҳисоблаймиз ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг Афғонистон бўйича Махсус вакили ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Махсус миссиясининг фаолиятини тўла қўллаб-қувватлашимизни яна бир бор тасдиқлаймиз.

Биз Афғонистоннинг суверенитети, мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги ҳамда миллий якдиллигини тўла қўллаб-қувватлашимизни яна бир бор тасдиқлаймиз.

Биз Афғонистонда юз бераётган инсон ҳуқуқларининг, жумладан, этник кам сонли аҳоли, аёллар ва қизлар ҳуқуқининг поймол қилиниши, шунингдек, халқаро гуманитар ҳуқуқ меъёрларининг бузилишидан чуқур ташвишга тушаётганимизни баён қиламиз.

Биз минтақа учунгина эмас, унинг ташқарисида ҳам салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган наркотик моддаларни етиштириш, ишлаб чиқариш ва уларнинг ғайриқонуний айланиши. ғайриқонуний қурол савдоси авж олаётганидан чуқур ташвишдамиз.

Биз, шунингдек, Афғонистон ҳудуди, айниқса, «Толибон» ҳаракати назорат қилиб турган ҳудудлар, террорчиларни яшириш ва уларни ўқитиш учун фойдаланилаётгани ва бунинг оқибати Афғонистон ва у билан қўшни мамлакатлар, ҳатто чегарадош давлатлардан узоқдаги мамлакатлар учун ҳам катта хавф-хатар туғдираётганидан ташвишдамиз.

Юқорида баён этилган фикрлардан келиб чиқиб, биз қуйидаги хулосага келдик:

1. Афғонистондаги зиддиятни ҳарбий йўл билан ҳал қилиш мумкин эмаслиги ва у кўп элатлик ҳамда барча томонлар вакилларидан иборат ҳукумат тузиш мақсадида тинч сиёсий музокаралар йўли орқалигина мувофиқлаштирилиши мумкин.

2. Бинобарин, биз Афғонистондаги томонларни мана шу мақсадларга эришишга қаратилган сиёсий музокараларни қайтадан бошлашга даъват қиламиз.

3. Биз душманларча хатти-ҳаракатларни тўхтатишга эришишга кўмаклашиш мақсади ўзимиз учун муҳим деб ҳисоблаймиз ва Афғонистондаги бирон-бир томонни ҳарбий жиҳатдан қўллаб-қувватламаслик ҳамда ўз ҳудудларимиздан бу мақсадларда фойдаланишнинг олдини олиш ҳақида келишиб олдик. Биз халқаро ҳамжамиятни Афғонистонга қурол етказиб беришнинг олдини олиш учун мана шундай саъй-ҳаракатларга даъват қиламиз.

4. Биз Афғонистон томонлари ўртасида бевосита музокаралар бошланишига кўмаклашишга тайёрлигимизни билдирамиз. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафеълигида, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси ва Хавфсизлик Кенгашининг тегишли резолюция ва қарорлари ҳамда мазкур Декларацияга биноан ўтказиладиган бу музокаралардан мақсад юқорида кўрсатиб ўтилган 1-банд ижроси бўйича афғонлараро битимга эришишдир. Биз «Олти қўшув Икки» гуруҳи аъзолари сифатида бу жараённи алоҳида-алоҳида ҳамда биргаликда қўллаб-қувватлашга тайёрмиз.

5. Биз музокаралар жараёни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафеълигида ўтиши лозим ҳамда у икки босқичдан иборат бўлиши мумкин, деб ҳисоблаймиз.

(а) Биринчи босқичнинг асосий мақсади ўзаро ишончни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар қабул қилишдан иборат бўлади. Бу чора-тадбирлар:

(i) Ўт очишни дарҳол ва сўзсиз, ҳеч қандай шартларсиз тўхтатиш бўйича битим имзоланишини;

(ii) Бу босқичда зиддиятга аралашган икки томон — Бирлашган Фронт билан «Толибон» ҳаракатининг ваколатли делегациялари ўртасида битимларга эришиш, шу жумладан:

— асирларни айирбошлаш;

— ички тўсиқларни олиб ташлаш ҳамда ўзаро савдо ва турли афғон гуруҳлари назорат қилиб турган ҳудудларга мурувват ёрдами етказиб бериш учун йўлларни очиш мақсадида бевосита музокаралар ўтказишни ўз ичига олади.

(в) Иккинчи босқичнинг асосий мақсади афғонларнинг ўзи Афғонистоннинг келажакдаги давлат тузилишининг асосий тамойилларини ишлаб чиқиши ҳамда қисқа вақт ичида кўп этник ва барча томонлар вакилларидан иборат ҳукуматни шакллантиришидан иборатдир.

6. Афғонистон билан чегарадош давлатлар вакиллари наркотик моддаларнинг ғайриқонуний айланишига қарши кураш бўйича самарали ва мувофиқлаштирилган чора-тадбирлар кўриш истагидан келиб чиқиб, икки томонлама ва кўп томонлама асосда наркотик моддаларнинг ғайриқонуний айланишига қарши кураш бўйича самарали ва мувофиқлаштирилган чора-тадбирларни кучайтиришга келишиб олдик. Шу муносабат билан биз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бу жараёнда наркотик моддаларни назорат қилиш Халқаро дастурининг муҳим ўрин тутишини эслатамиз ва таъкидлаймиз.

7. Биз «Толибон» ҳаракатини Эрон Ислом Республикаси ҳукумати ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотини ўзининг Эрон Ислом Республикасининг Мозори Шарифдаги Бош консулхонасининг дипломатик ва консуллик ходимларининг ва Ислом республикаси янгиликлар агентлиги мухбирининг ўлдирилиши хусусидаги текширишлари натижаларидан хабардор қилишга чақирамиз ҳамда «Толибон» ҳаракатини айбдорларни жазолаш мақсадида бу қотилликлар бўйича халқаро текширувлар билан тўла ҳамкорлик қилишга чақирамиз.

8. Биз Афғонистон томонларини, айниқса, «Толибон» ҳаракатини халқаро террорчилар ва уларнинг ташкилотларига бошпана бериш ва уларни ўқитишни тўхтатишга, террорчиларни суд жавобгарлигига тортиш борасидаги саъй-ҳаракатларга кўмаклашишга чақирамиз.

9. Биз Афғонистон томонларида халқаро ҳуқуқнинг асосий меъёрларига мувофиқ равишда инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва барча афғонларнинг фундаментал эркини тўла ҳурмат қилиш туйғуси ва масъулиятини уйғотиш учун бутун кучимизни сарфлашга тайёрмиз.

10. Биз юқоридаги 1-бандга мувофиқ тузиладиган Афғонистоннинг янги ҳукумати билан Афғонистон ва минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, афғон қочқинларининг ўз жойларига қайтиши ҳамда БМТ муассасалари ва дастурлари, халқаро молиявий ташкилотлар ва ёрдам берувчи мамлакатлар кўмагида Афғонистоннинг тезда тикланиши ва оёққа туришини таъминлаш мақсадида барча соҳада ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

11. Биз халқаро ҳамжамиятни Бош котиб Афғонистон учун Фавқулодда мақсадли жамғарма мавжудлигини эслатган ҳолда мурожаат қилганидек, 1999 йил 1 январдан 31 декабрга қадар Афғонистонга фавқулодда мурувват ёрдами ва тикланиш учун ёрдам кўрсатиш бўйича биргаликда ҳаракат қилишга бўлган муассасалараро даъватга эътибор қаратишга чақирамиз. Жойларни миналардан тозалашни қўллаб-қувватлаш ўта муҳим иш ҳисобланади.

12. Биз халқаро ҳамжамиятни бу таклифларни қўллаб-қувватлашга ҳамда Афғонистондаги зиддиятни тезлик билан бартараф этишни таъминлаш бўйича мувофиқлашган саъй-ҳаракатлар қилишга, шунингдек, Афғонистондаги барча кучларни сиёсий ирода ва доноликни намоён этиб, ўзаро келишмовчилик ва душманликка барҳам беришга ҳамда мустаҳкам ва узоқ муддатли тинчлик ўрнатилиши мумкин бўлган бу тарихий имкониятни қўлдан бермасликка чақирамиз.

13. Мазкур Декларация икки асл нусхада, инглиз ва рус тилларида тузилди, иккала нусха ҳам бир хил кучга эга.

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳрида, бир минг тўққиз юз тўқсон тўққизинчи йил июль ойининг 19 кунида битилди.

**ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ НОМИДАН**
**ЭРОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ НОМИДАН**
**ПОКИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ НОМИДАН**
**ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ НОМИДАН**
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ НОМИДАН**
**РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҲУКУМАТИ НОМИДАН**
**АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ ҲУКУМАТИ НОМИДАН**
**КУЗАТУВЧИ СИФАТИДА БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ НОМИДАН.**

## МЕТАЛЛ БИР МАРОМДА ЕТКАЗИБ БЕРИЛМОҚДА

Бекободдаги «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида металл парчалари, қора ҳамда рангли металл чиқитларини тайёрлаш ва қайта ишлашга топширишни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг мажлиси бўлди. Унда вазирликлар, идоралар, бошқарманинг минтақавий органлари, иккиламчи металл хомашёни йиғиш билан шуғулланувчи ташкилот ва корхоналарнинг раҳбарлари иштирок этди. Мажлисни Бош вазир ўринбосари А. Исаев бошқарди.

Мажлисда биринчи ярим йиллик якуни бўйича мўлжаллангранидан ортиқ — 104 фоиз қора металл парчалари тайёрланганлиги қайд этилди. Бу — Бекобод комбинати олдиндан бир неча ойга хомашё билан таъминланиб қўйилган, деган гап. Бинобарин, мамлакатнинг қурилиш, цемент, кон-металлургия ва бошқа корхоналари учун зарур бўлган турли металл буюмлари бир маромда етказиб берилади.

Мўлжалланган миқдордаги қора металл ҳам қайта ишлашга етказиб берилди. Ҳисобот даврида қўшимча тарзда эскирган металл буюмлари, шунингдек божхона органлари томонидан ушлаб қолинган ҳамда аҳоли томонидан йиғилган шу турдаги хомашё ҳисобидан бир неча юз тонна қўшимча рангли металл парчалари тайёрланди.

Республика комиссияси мажлисида катта меҳнат талаб этувчи бу соҳада ишлаб чиқариш маданиятини ошириш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Ҳозирги кунда хўжалик ҳисобидаги «Иккиламчиқораметалл» бошқармаси бўлинмаси темир йўл ҳамда бекободлик шерикларининг узлуксиз ишини таъминлаш учун металл парчаларини қабул қилиш базаларини қайта қуриш ва ободонлаштириш, уни тозалаш, саралаш ва жойлаштириш учун шароит яратиш бўйича комплекс ишни давом эттирмоқда.

*(ЎзА).*

## «ИЖТИМОИЙ ФИКР» — ЯНГИ ҒОЯЛАР САРЧАШМАСИ

КУНИ кеча пойтахтдаги «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказида мазкур муассаса, қатор газеталар, журналлар таҳририятлари ходимлари тўпланишди. Ҳозирги ўтиш даврида оммавий ахборот воситалари амалга ошираётган тадбирлар, жамоатчилик фикри билан боғлиқ мавзуларни ёритишдаги тажрибалар, газетхонлар, тингловчилар, томошабинларнинг қайси нашрга ёки эшиттириш, кўрсатувларга кўпроқ қизиқишларига даҳлдор ижодий таҳлиллар, маълумотлар юзасидан эркин суҳбатлашиб олинди.

Мулоқотлар чоғида «Ижтимоий фикр» ва «Инсон ҳуқуқлари» журналининг бош муҳаррири, инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Маркази директори Акмал Саидов, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази директори ўринбосарлари Озод Отамирзаев, Марат Хожимуҳамедов, Марказ ходими Фарҳод Отажонов, Фридрих Эберт номидаги жамғармаининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бюроси раҳбари Неля Резяпова, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев, журналист Лейла Шаҳназарова, «Менежер» журнали бош муҳаррири ўринбосари Инна Когайларнинг чиқишлари мазкур давра иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Учрашув қатнашчилари бундан буён ҳам тез-тез ҳамкорлик қилиш, жамоатчилик фикрини ўрганишга оид мақолаларни оммавий ахборот воситалари орқали халқимизга етказиб туришга келишиб олдилар.

***Саидвали ҲАСАНОВ.***

## ХОРИЖДА ДЎКОН ОЧДИЛАР

ВИЛОЯТИМИЗДАГИ ўз маҳсулотларини чет элларга экспорт қилаётган қатор саноат корхоналари ўзга мамлакатларда ўз дўконларини очмоқдалар. Бу маҳсулотларни воситачиларсиз сотиш ва қўшимча даромад олиш имконини бермоқда.

Шу йилнинг ўтган ойларида қатор шундай дўконлар барпо этилди ва улар «чет элдаги корхоналар» сифатида рўйхатдан ўтказилди. Чирчиқдаги Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати Москвада ўз «Савдо уйи»ни ишга туширди. Бу ерда корхонада тайёрланаётган айрим маҳсулот турлари сотилмоқда. Янгийўлдаги «Лаззат» акциядорлик қандолатчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг Қозоғистон Республикасининг Чимкент шаҳридаги шундай фирма дўкони ҳам савдо қилишни бошлади.

***Собир ҲАМИДОВ.***

# САМАРАЛИ МЕҲНАТ ХИРМОНИ



*(Давоми. Боши 1-бетда).*

ғаллакорлар ўз шароитларига айнан мос навларни танлаб экишни қатъий одат қилиб олишлари зарур. Юқорида таъкидланганидек, илғор туман ва хўжаликлар эришган натижалар буни яққол кўрсатди. Чунончи, Бўстонлиқ туманидаги «Енбек» жамоа хўжалиги сувли ерда «Интенсив» навидан 63 центнердан ҳосил олди. Зангиота туманидаги «Бўзсув» уруғчилик ширкат хўжалиги «Бўзсув-1», «Ҳосилдор» навларини экиб, ўртача 51 центнердан хирмон кўтарди. Ўртачирчиқ туманидаги «Қорасув» жамоа хўжалигида вилоятда синов тариқасида экилаётган «Купава» нави гектаридан 72 центнердан ҳосил тўкди.

Янгийўл туманидаги «Ниёзбош» жамоа хўжалиги эришган ютуқларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Улар 1050 гектар майдонга «Ҳосилдор» нав буғдой эккан эдилар. Ҳосилдорлик 42 центнерданга тўғри келди. Бундан ташқари дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, хўжалик ғаллачиликнинг ўзидан бу йил камида 46 миллион сўм соф даромад олиши аниқ бўлиб турибди. «Ниёзбош»ликлар туманнинг умумий хирмонига барака киритиб, бу билан янгийўлликларнинг давлатга режадагига қўшимча 1500 тонна дон топширишлари учун имкон яратиб бердилар.

Вилоятда бу йил ғалла ўрим-йиғимини уюшқоқлик билан ўтказиб, режани барвақт бажаришдан ташқари келаси йил ҳосили учун сифатли уруғлик тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор берилди. Уруғчиликка ихтисослаштириш мўлжалланган 23та хўжаликнинг ғаллазорлари кўздан кечирилиб, уруғлик дон олинадиган 2 минг гектардан зиёд майдон аниқланди. Шу майдонлардан 5700 тонна уруғлик тайёрлаш режалаштирилди. Керакли техника воситалари билан таъминланган бу хўжаликларда ҳозир уруғлик учун мўлжалланган дон сараланиб, қопланиб, дориланиб, сақлашга қўйиш билан боғлиқ ишлар аниқ режа асосида олиб борилмода.

Хуллас, республика Президентининг ғалла навини танлаш, уруғликни тайёрлаш ишларини деҳқонларнинг ўзларига қўйиб бериш тўғрисидаги кўрсатмаларига амал қилиниб, уруғликни вилоятнинг ўзида тайёрлашга бу йилданоқ жиддий киришилди. Уруғчилик хўжаликларида тайёрланаётган 5700 тонна уруғлик дон 27-28 минг гектар ерга етади. Улар асосан туманлаштирилган «Ҳосилдор», «Бўзсув-1», «Унумдор», «Сангзор-6», «Енбош» каби маҳаллий буғдой навларидан иборат. Қолган «Купава», «Дмитро» нав уруғликлар Андижондан келтирилади. Шу йўл билан бир-икки йил ичида жами уруғликни вилоятнинг ўзида тайёрлашга эришиш режалаштирилмоқда. Шу йил кузда яна 115 минг гектар майдонга ғалла экилади. Бунинг учун майдонлар ҳозирданоқ аниқланиб қўйилди.

Ғалладан бўшаётган ерларнинг 38 минг гектарига шудгорлаб, экин экиш режаланган эди. Бу майдонлар бугунги кунгача ҳайдаб қўйилди. Тезпишар картошка, дон учун маккажўхори экилди. 15 минг гектарга эса силос учун макка экиб бўлинди. Сабзавот учун ажратилган майдоннинг 70 фоизига экинлар жойлаштирилди. Режадаги қолган ерларга ҳам 4-5 кун ичида мўлжалдаги экинларни экиш ниҳоясига етказилади.

Давлатга ғалла сотиш шартнома режаси бажарилган бўлса-да, вилоятда ўрим-йиғим ишлари сусайгани йўқ. Ҳали 11 минг гектар майдондаги ғаллага ўроқ тушмаган. Эндиги мақсад қолган ҳосилни ҳам тезроқ саранжомлаб олиб, давлатга яна 10 минг тонна дон топширишдан иборатдир.

***Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.***





**АСЛ деҳқон «даладагиси эмас, хирмондаги ҳисоб» нақлига амал қилиб, ғалласини тезроқ омборга ғамлаб олиш пайида бўлади. Очиқ турдаги «Чиноз-дон» ҳиссадорлик жамияти омборлари бугунги кунда донга тўлди. Корхона жамоаси янги ҳосилдан сифатли ун ишлаб чиқаришни бошлаб юборди. Ун сифатли бўлиши учун эса дон обдон сараланиб, тозаланиши керак. Корхона раҳбарлари бу муҳим ишга алоҳида эътибор бермоқдалар.**

*СУРАТЛАРДА: ҳиссадорлик жамиятининг омбор мудири Раҳмон Раимов билан унинг ёрдамчиси Абдуқаҳҳор Очилов ғарамдаги дон сифатини кўздан кечирмоқда; ғалла қайта ишлашга тайёрланмоқда.*

***Даврон АҲМАД олган суратлар.***

## ЭЛЛИК БЕШ ЦЕНТНЕРГА ЕТДИ

***ОБ-ҲАВО қандай келишига қарамай, хўжалигимиз бўйича 750 гектар майдондан ҳар йили баракали ғалла ҳосили олиб келинмоқда. Бунинг ўзи бўлмайди.***

Баҳорда ҳам, кузда ҳам астойдил меҳнат қиламиз. Энг муҳими ерни вақтида, сифатли шудгорлаб, маромида озиқлантирамиз. Дон майсалари кўзга ташланиши билан парвариш кучайтирилади. Далаларимизнинг тупроқ иқлим-шароитини яхши билиб олганимиз туфайли қайси нав, қайси жойда яхши ўсиб, бошоқларнинг бўлиқ бўлишини яхши биламиз.

Бу йил ўзим бош пудратчи бўлган 300 гектар ернинг ҳар гектаридан 55 центнердан ҳосил йиғиштириб олдик. Йиллик режа ортиғи билан бажарилди. Айни пайтда ўрим давом этмоқда.

Кўп йиллардан бери ғаллачилик билан шуғулланиб келаётган деҳқон сифатида бир нарсани алоҳида таъкидламоқчиман. Ҳосил чўғининг юқори бўлиши комбайнчиларга, дон ташиётган ҳайдовчиларга ҳам боғлиқ. Шунинг учун ҳам уларга барча шароит яратиб берилади, меҳнатларига рағбатлантирилган ҳақ тўланади.

Ғалла ўримида қатнашаётган бошқа касб эгалари ҳам эътибордан четда қолмайдилар. Ҳамма учун албатта, уч маҳал иссиқ овқат тайёрлаб берилади. Маданий-маиший хизмат кўрсатилади. Ютуқларимиз бош омили шундан деб ўйлайман. Айниқса, комбайнчилар юксак кўрсаткичларга эришдилар.

Мақсуд Эштоев, Сайри Ҳоловлар ҳозиргача 400-500 тоннадан дон янчиб бердилар. Уларга, албатта, қимматбаҳо совғалар топширилади.

***Тўхтахўжа САИДАБЗАЛОВ, Паркент туманидаги «Бойқозон» ширкат хўжалиги пудратчилар бригадаси бошлиғи.***

## «КЕЙС» — ҒАЛЛАКОРНИНГ ҚАНОТИ

***УЧ йилдан буён ғалла ўрим-йиғими мавсумида «Кейс» комбайнини бошқараман. У беш-олтита «Енисей» ёки «Нива»нинг ўрнини босади.***

Фақат, комбайнчи бу чаққон «ўримчи»нинг ҳолатини ҳар куни эринмай текшириб, камчилигини тўғрилаб борса бас. Тихирлик қилмай, ишлайверади.

Зеро, Юртбошимизнинг мамлакатимиз далаларида «Кейс»ларнинг тобора кўпайиши учун жон куйдираётганлари, бунинг учун зарур бўладиган барча шарт-шароитларни яратиб бериш борасида ғамхўрлик қилаётганлари бежиз эмас. Қанийди, яқин икки-уч йил ичида Ўзбекистон ғаллазорларида асосан «Кейс»лар ишласа. Биринчидан, ўрим-йиғим муддати кескин қисқариб, такрорий, оралиқ ҳамда озуқа экинларини барвақт ва истаганча экиш имконияти туғилади. Иккинчидан, ўрим-йиғим жараёнида ғалла ерга ортиқча тўкилиб-сочилиб, увол бўлмайди ва шунинг ҳисобига умумий хирмонга қўшимча 8-10 фоиз барака киради. Бу фоизларни тонналарга чақсангиз, деҳқонларимизнинг ризқига қанча ризқ қўшилиши маълум бўлади.

Бу йил чинозлик ғаллакорлар давлатга дон сотиш режасини вилоятда биринчилар қатори бажардилар. Бунда «Кейс»ларнинг иш унуми ҳал қилувчи роль ўйнади. Мен ўзим мавсумда 718 гектар майдондаги ғаллани ўриб-янчиб бердим. Бундан-да кўпроқ ғаллани саранжомлаб берган ҳамкасбларим ҳам оз эмас. Улар «Кейс» — ғаллакорнинг қаноти экан» деган фикрга келдилар.

***Умирзоқ СУЯРОВ, Чиноз тумани МТП комбайнчиси.***

*Диққат, янгилик!*

## ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ — ҲОСИЛ ОМИЛИ

ҚУЙИЧИРЧИҚ туманидаги «Ўзбекистон» тажриба хўжалигида Исроилнинг «Митафим» фирмаси томонидан келтирилган томчилаб суғориш ускунаси тажриба синовидан ўтказилмоқда. Дастлабки синов хўжаликнинг 30 гектар майдонида ўтказиляпти. Шунингдек, 202 гектар ерда АҚШдан келтирилган ёмғир шаклидаги ускуна ёрдамида ғўзани суғориш тажрибаси ҳам ўзининг самарасини бермоқда.

Бу ускуналарнинг афзаллиги шундаки, ўсимликка, жумладан, пахтага бериладиган минерал ўғитнинг ювилиб кетишидан асрайди. Сув сарфи эгатларга оқизиб суғориладиган майдонларга қараганда анча камаяди. Шунингдек, ҳосил 15-20 кун авалроқ етилади.

Айтайлик, ғўза қатор ораларига эгатлардан оқизиб суғориладиган майдонлар 6-8 марта культивация қилинса, тажриба ўтказилаётган майдонларда 2 марта культивация кифоя. Бу ҳам сув сарфини, ҳамда ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари сарфини тежаш имконини беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тажриба ўтказилаётган ҳар икки ускуналарнинг яна бир хусусияти шундаки, ернинг текис ёки нотекислиги ҳам аҳамиятли эмас. Муҳими бундай ускуналар билан суғориладиган майдонларга ҳашарот яқинлашмайди.

Ана шу янгиликларнинг ҳаётга тадбиқ этилаётгани туфайли хўжаликда ҳосилдорлик йил сайин ошиб бораётгани ҳам таҳсинга сазовор.

***Азиза ҲУСАНОВА.***

## БЕКОБОД ШИША ИДИШИ

ЎЗБЕКИСТОН Металлургия комбинатида ишлаб чиқарилаётган кенг истеъмол моллари тури кўпайди. Бу ерда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш саноати учун зарур бўлган шиша идиш тайёрловчи янги линия ишга туширилди.

Бугунга қадар шиша идишлар фақат Қувасойдагина тайёрланар эди. Эндиликда металлурглар улар билан рақобатга киришди. Тўғри, мазкур маҳсулот ҳажми ва турлари ҳозирча чекланган. Шунга қарамай, уларга Бекобод ва Янгийўл консерва заводларидан буюртмалар кела бошлади.

Янги маҳсулот тайёрлашнинг йўлга қўйилиши туфайли 120 нафар ёшлар доимий иш билан таъминланди.

***Н.ДУШАЕВ, ЎзА мухбири.***

